QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«09» июль 2021-j. №02-02/05-3263 «___»____________ 2021 y.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Халқ таълим вазирлигига**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизнинг, 2021 йил 1-июль кунги 01/5-963-сонли хотингиз бўйича қуйидагиларни маълум этамиз.

Фуқора Ж.Жалалов ва бошқаларнинг "Кегайли тумани 11-сонли умумтаълим мактаб директори Г.Байимбетованинг ҳаракатларидан норозилиги ва унинг олиб бораётган ишларининг қонунийлиги бўйича" қилган мурожаати такроран эканлиги бу бўйича олдин Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилганлигини ва ўрганиш давомида мурожатда келтирилган важлар бўйича тасдиқланган маълумотлар Қорақалпоғистан Республикаси Прокуратурасига Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 28 июнь санасидаги 01-02/5-3078-сонли хати билан ўтказилганлигини ҳамда мурожат эгасига 2021 йил 02-02/5-3078-сонли хат билан жабов берилганлигини маълум этиб билдирамиз.

Илова ___ варақда.

**Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б** **Қ.Бекбаулиев**

ижрочи: С.Ҳабипов
Тел: (61) 222-24-62

# АКТ

Нөкис қаласы «24» Июнь 2021 жыл

**Дүзилди усы акт төмендеги хызметкерлердиң қатнасында:**

1. Оқыўшылардың саламат аўқатландырыўды шөлкемлестириў ҳәм медициналық хызметин муўапықластырыў бөлими баслығы С.Хабипов
   (фамилияси, исми ва шарифи)
2. ҚР Халық билимлендириў министрлиги Кадрлар бөлими қәнигеси Х.Абдижаббаров
   (фамилияси, исми ва шарифи)
3. Финанслық анализлеў ҳәм режелестириў бөлими баслығы Т.Утепов

**Акт мазмуны төмендегише:**

Қарақалпақстан Республикасы Прокуратурасының 2021-жыл 21-июнь сәнесинде 9/4-230946/21-санлы хатына муўапық, Кегейли районы пуқарасы Ж.Жалалов ҳәм басқалар атын “Кегейли районы 11-санлы мектеп директоры Г.Байимбетованың ис-ҳәрекетлеринен наразылы оның алып барып атырған жумысларының нызамлылығын үйрениў бойынша” тийисли тәртип үйренип шығылып, үйрениў барысында шағым арзада көрсетилген ўәжлер анықланды.

Үйрениў жуўмағының нәтийжеси бойынша Кегейли районы 11-санлы улыўма ор билим бериў мектеби директоры Г.Байимбетоваға таныстырылды. Бирақта, Г.Байимбетова б мағлыўматқа қол қойыўдан бас тартты.

Усы акттиң дурыслығына қол қойыўшылар.

1. С. Хабипов (имзо)
2. Х. Абдижаббаров (имзо)
3. Т. Утепов (имзо)
4. (имзо)
5. (имзо)

3-sh.

“O`zbekiston pochtasi” aksiyadorlik jamiyati

37418 -son KVITANSIYA
(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)
buyurtma ______ qabul qilishda
(jo`natma turi) (alohida belgisi)
Qayerga ______
Kimga ______
Og`irlik 0,010 g.
Jo`natish uchun to`lov 3800 so`m ______ tiyin
Qabul qildi

**Кегейли тумани 11-сонли умумтаълим мактаби ходимлари Ж.Жалалов ва бошқаларнинг мактаб директори Г.Байимбетованинг ҳатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириб йўллаган мурожаати тўғрисида**

**М А Ъ Л У М О Т**

Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасининг 2021 йил 21 июнь кунги 9/4-230946/21-сонли хатига мувофиқ, Кегейли тумани 11-сонли умумтаълим мактаби ходимлари Ж.Жалалов ва бошқалар мактаб директори Г.Байимбетованинг ҳатти-ҳаракатларидан норозилигини билдириб йўллаган мурожжати Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилигининг 2021 йил 22 июнь кунги 158-сонли буйруғи асосида ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди:

Кегейли тумани халқ таълим бўлимига қарашли 11-сонли умумтаълим мактаби директори Г.Байимбетова 2017 йилнинг 22 июль ойидан бошлаб ушбу лавозимда ишлаб келмоқда. Маълумоти олий, 1994 йили Нукус давлат педагогика институтини рус тили мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Жорий йилнинг март ойида Кегейли тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори Б.А.Халмуратов томонидан Кегейли тумани 11-сонли умумтаълим мактабига ходимларни ишга қабул қилишда меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли мактаб директорига базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баробари миқдорида жами 1 млн 715 минг сўм жарима солинган. Мактаб директори томонидан мактаб ходимларига очиқдан-очиқ зўрлик ишлатиб, солинган жарима сўммасини директор ўринбосари Р.Давленовга маблағ йиғишни топшириб, ўзларига солинган жаримани мактаб ходимларининг ойлик маошларидан мажбурлаб йиғиб олиш орқали тўлаганлиги аниқланди. Ушбу жаримани тўлаш учун мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Р.Давленов томонидан пластик ва накд пул шаклида жами 2 млн 58 минг сўм миқдорида йиғиб, мактабнинг директорига берганлиги тасдиқланди *(Ходимларнинг тушунтириш хати илова қилинади)*.

Бундан ташқари, мактаб директори Г.Байимбетова томонидан 2019 йилда мактабни капитал таъмирлашга **«қўйдириш учун»** деб ўқитувчиларнинг 80 минг сўмдан ва техник ходимлардан 40 минг сўм миқдорида (ойлик маошларидан) жами **2 млн 520 минг сўм миқдорида** пул йиғиб ва ведомостга имзо чектирганлиги ҳамда мактаб директори томонидан йиғилиш ўтказиб, ўқувчиларнинг ота-оналаридан **мактаб ремонти учун** 20 минг сўмдан йиғишни топширганлиги ва синф раҳбарлари томонидан мағлағларни йиғиб мактаб директорига берилганлиги аниқланди (Ходимларнинг тушунтириш хатлари илова қилинади).

Шунингдек, мактаб директори томонидан ҳар бир байрамда юқори турувчи ташкилотларга совға беришим керак деган важ билан мактаб ўқитувчиларидан пул маблағлари йиғилганлиги тасдиқланди (ходимларнинг тушунтириш хатлари илава қилинади).

Мурожатда, мактаб директори томонидан Низомга амал қилинмайди ва олинадиган моддий рағбатлантириш пулининг ярими мактаб директори

Г.Байымбетовага берилса гина моддий рағбатлантириш олади деб кўрсатилган.

Ушбу ҳолат юзасидан жорий йилнинг 6 март куни мактаб директори Г.Байимбетова мактабнинг Ёшлар ишлари бўйича ходими У.Базарбаева моддий рағбатлантирилган ва рағбатлантириш пўлини мактаб директори талаб қилиб, ходимнинг пластик карасига тушган 1 млн 800 минг сўм пулни мактаб директорининг телефон рақами билан боғланиб, пластик картасига «CLICK» тизими орқали ўтказиб берилганлиги аниқланди.

Шунингдек, 2019 йили март-апрель ойларида Кегейли тумани 11-сонли умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Кенжаева Сабира «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловидан III ўринни эгалаган. Шунингдек, 2019 йили ўқувчиси Зарипбаева Малика спорт йўналиши бўйича «Зульфия» танловида II ўринни, 2020 йили март ойида ўқувчиси Абдуллаева Насиба «Қизларжон» кўрик-танлови»да II ўринни эгаллаган бўлишига қарамай ҳеч қандай рағбатлантириш пўллари берилмаган. Аксинча, мактаб директори рағбатлантириш пўлидан ярмини берсанг гина рағбатлантириш пулини чиқартириб бераман деб **таъмагирлик қилган**. Унинг устига, 2021 йили 25 феврал санасида Кенжаева Сабиранинг 7-синфда ўқийдиган ўзининг қизи Мынбаева Ақсунгул икки маротаба касалхонага тушганлиги туфайли моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлсада, мактаб директори томонидан ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатилмаган.

2020 йили июнь ойида мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Гуззал Пирназарова иш тажрибасини республика кўламида оммалаштиргани учун директор фондидан мукофот пулини сўраганда уни қўллаб-қувватлаш ўрнига, у ўқитувчиларга унақа қўлланмани мен бир қўнғироқ билан чоп қилдира оламан деган сўзлари ҳақиқатда ўз тасдиғини топди ва мактаб директори томонидан рағбатлантирилмаган.

Мурожатда, мактаб директори Г.Байимбетова 2018 йил октябрь ойида Кегейли тумани халқ таълими бўлимига қарашли 12-сонли умумтаълим мактабининг 10 тонналик ёқилғи қуйиш ёмкостини 11-мактабнинг балансига олган бўлсада, ушбу ёмкостни мактабга олиб келмасдан, директор Г.Байимбетованинг турмуш ўртоғи ёмкостни сотиб, маблағни ўз манфаати йўлида ишлатиб, очиқдан-очиқ давлат мулкини лавозимдан фойдаланиб ўзлаштириб юбориб, бу талон-тарожни мактабнинг математика фани ўқитувчиси Қ.Утебаевқа тегишли бўлган 4 тонналик ёмкост билан ўз айбини яшириб келинганлиги кўрсатилган. Ушбу ҳолат бўйича Кегейли тумани 12-сонли умумтаълим мактабидан 2018 йил 19 ноябрь куни Далолатнома орқали туманнинг 11-сонли умумтаълим мактаб балансига ўтказилган мактабга олиб келинмаган ва Қ.Утебаевга тегишли 4 тонналик ёмкост олиб келинган. Шунингдек, ўз айбини яшириш мақсадида қўшимча яна бир ёмкост олиб келинган.

Бундан ташқари, 2021 йил 5 январь санасида мактабнинг янги ташкил этилган боғбон штатига мактабнинг жисмоний-тарбия фани ўқитувчиси И.Жолымбетовга вақтинча қўшимча юклатилган.

И.Жолимбетовни мактаб директори ўз хизмат хонасига чақириб олиб, олган маошингни менга берасан деб, унинг маошини директорнинг пластик картасига 570 минг сўм пул маблағини ўтказиб олган. Бундан сўнг мактаб директорининг буйруғи билан жорий йилнинг 2 февраль санасидан 5 апрелга қадар ўз ўғли Ш.Турдибаев ушбу лавозимга тайинланган. Лекин, ҳақиқатдан умуман мактабга келмасдан ойлик маошлари тўланиб келинган (Бу ҳақида мактаб ходимларининг тушунтириш хатлар илова қилинади).

| | |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи: | С.Хабипов |
| Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи: | Т.Утепов |
| Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бош мутахассиси: | Ж.Алламбергенов |

**Маълумот билан таништирилди:**

| | |
|---|---|
| Кегейли тумани 11-сонли умумтаълим мактаби директори: | Г.Байимбетова |